



**ЎЗБЕКИСТОНДА МАСОФАВИЙ БАНК ХИЗМАТЛАРИ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10541065>

Alpisbaeva Shaxnoza Salamat qizi

Toshkent Moliya instituti talabasi

Ilmiy rahbar

DSc, professor **Rustamov Davron Rustamovich**

МАҚОЛАИДА МАЪЛУМОТ

Мазкур илмий мақолада Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари масофавий банк хизматларининг ривожланиш тенденцияси ўрганилган.

Таҳлил натижаларига кўра, банклар томонидан ўрнатилган тўлов терминалларида тушган тушумга банк тизимидан фойдаланувчилар сонининг ҳамда муомаладаги пластик карточкаларнинг ўзгариш динамикаси таъсири суст бўлган. Айнан 2020-2021 йиллардаги пандемия ҳолати аҳолининг масофавий банк хизматларидан фойдаланишга мажбур қилган. Чунки, номинал ва реал кўрсаткичларда ҳам фақатгина 2021 йилда кескин ўсиши кузатилган.

Таянч сўз ва иборалар: тижорат банклари, рақамли банкинг, тўлов терминаллари, масофавий банк хизматлари. Таянч сўз ва иборалар: тижорат банклари, рақамли банкинг, тўлов терминаллари, масофавий банк хизматлари.

Contemporary trends in remote banking services development in Uzbekistan

Alpisbaeva Shaxnoza Salamat qizi

Toshkent Moliya instituti talabasi

Ilmiy rahbar

DSc, professor Rustamov Davron Rustamovich

Abstract

This scientific article examines the development trend of remote banking services of commercial banks in the Republic of Uzbekistan. According to the results of the analysis, the influence of the dynamics of changes in the number of users of the banking system and the number of plastic cards in circulation on the income from payment terminals installed by banks was weak. It was the pandemic situation in 2020-2021 that forced people to use remote banking services. Because a sharp increase was observed in nominal and real indicators only in 2021.



Key words: commercial banks, digital banking, payment terminals, remote banking services.

Кириш

Бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларида рақамли трансформация жараёни амалга оширилмоқда. Ушбу жараён нафақат мамлакатимизда, балки барча давлатларда амалга оширилмоқда. Сўнги ўн йиллик мобил тўловлардан тортиб рақамли пулларгача бўлган кўплаб мисли кўрилмаган молия ва банк соҳасига тааллуқли технологик инновацияларга бой бўлди.

Технологиядаги бундай ўзгаришлар инсонларни турмуш тарзи ва бизнес юритиш қоидаларини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Интернет ва мобил алоқанинг глобал тарқалиши банк тизими ва молиявий тўловларнинг янгидан-янги шакллари ривожланишига ёрдам бермоқда. Рақамли тўловлар молиявий операцияларни амалга оширишнинг янги усуллари сифатида ҳаётимизга кириб келмоқда.

2019 йилда бошланган коронавирус пандемияс

шароитида инсонларнинг рақамли тўловлардан фойдаланиш даражаси кескин ошганлигини кўриш мумкин. Пандемия узок йиллар илгари бошланган банк-молия секторининг рақамлаштириш жараёнини тезлаштириб юборди. Хусусан, бутун дунё бўйича рақамли тўловлардан аҳолининг фойдаланиш даражаси пандемиядан олдин 52 фоизни ташкил этган бўлса, 2021 йилда жами аҳолининг 64 фоизи ушбу операциялардан фойдаланишга ўтган. Ўзбекистон Республикасида ҳам пандемия шароити рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини тезлаштириб юборди. Жумладан, пандемиядан олдин мамлакатимиз аҳолисининг 34 фоизи рақамли тўловлардан фойдаланган бўлса, 2021 йилда ушбу кўрсаткич 42 фоизга кўтарилган[5].

Иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва давлат бошқаруви тизимининг жадал рақамли ривожланишини таъминлаш, шу жумладан электрон давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини янада такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги

«Рақамли Ўзбекистон – 2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги ПФ-6079-сонли фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда 2022 йил 1 январга қадар масофадан кредит маҳсулотларини реализация қилиш, омонатлар ва ҳисоб рақамларни очишни ўз ичига олган кенг турдаги онлайн хизматлар кўрсатишни таъминлаш



орқали тижорат банкларининг рақамли трансформацияси якунига етказилиши белгилаб қўйилди. Албатта, ушбу мақсадларга эришишда тижорат банкларининг масофавий банк хизматларини ривожлантириш, уларнинг қулайлигини, самарадорлигини ва нархининг мақбуллигини таъминлаш бугунги куннинг муҳим масалаларидан биридир.

Адабиётлар шарҳи

Ривожланган ва ривожланаётган давлатларда иқтисодчи олимлар банк тизимида рақамли инновацион жараёнлар самарадорлигини таҳлил қилиб бормоқда. Хусусан, масофавий банк хизматларининг банк самарадорлигига ва бутун иқтисодиётга таъсири турли методлар ёрдамида таҳлил қилинмоқда. Биз ушбу илмий тадқиқотимизда уларнинг айримлари билан танишиб чиқамиз.

L.Wewege, J. Lee, ва M. Thomsett томонидан тижорат банклари хизматларига молиявий технологияларнинг кириб келиши ҳамда ушбу технологияларнинг банк хизматлари самарадорлигини оширишдаги ҳиссаси таҳлил қилинган. Уларнинг фикрига кўра, охириги йилларда анъанавий банк хизматларига молиявий технологияларнинг кириб келиши кескин тус олмоқда. Ушбу жараён банк миқозларига тезкор, арзон ва самарали хизмат кўрсатишга сабаб бўлмоқда. Фақатгина рақамли необанкларгина турли тўловлар, пул ўтказмалари, ўрта ва кичик бизнесни кредитлаш, рақамли ҳамёнлар ва P2P хабарларли ўтказмалар билан боғлиқ бўлган технологик инновацияларни микромолиялаштиришни янада ривожлантириши

мумкин. Аммо молиявий технологияларга ихтисослашган банклар миқозлари назарида кредитлаш ва ликвидлилик рискларига кўпроқ дучор бўлишади[4]. Бизнинг фикримизча, молиявий технологияларни қўллаган ҳолда тезлаштирилган рақамли трансформацияга ўтаётган йирик, анъанавий ва амалдаги банклар учун технологик ютуқлар ва инновациялар орқали қиймат яратиш манбаи бўлган шериклик сифатида тобора кўпроқ қабул қилинмоқда. Бугунги кундаги рақамли банк инқилобида катта ўзгаришлар учун асос яратган барча инновацион молиявий технологиялар саноати ривожланган сари ҳамкорлик ва консолидациянинг тасаввур қилиб бўлмайдиган траекториясини белгилаб берди.

Банк тизимининг узоқ тарихида онлайн банк иши муҳим ривожланиш босқичи бўлди. Онлайн банк иши миқозларга бир қанча қулайликлар ва имтиёзлар яратишига қарамадан, онлайн банк иши секторидаги менежерлар учун бир қатор асосий ташвиш ва қийинчиликлар туғдиради. Хусусан, ҳиндистонлик иқтисодчи P.Revathi томонидан ушбу масала



атрофлича ўрганилган. Унинг фикрича онлайн банклар олдида турган хавфсизлик, техник муаммолар, тўлов ўтказмалари бўйича билан боғлиқ қийинчиликлар ҳамда уларда молиявий ресурсларнинг етишмаслиги каби айрим муаммолар, уларни анъанавий банклар билан мурасага келишга мажбур қилмоқда. Шунга қарамасдан онлайн банкларга бугунги кунда талаб юқориликча сақланиб қолмоқда. Шундай қилиб, онлайн банклар ўзларининг маркетинг муаммоларини ҳал қилишга интилишлари орқали янада ривожланган ва муваффақиятли бўлишлари мумкин[3].

S. J. Kaur ва бошқалар Хиндистонда банк миқозларининг филиал банклардан рақамли онлайн банкларга миграциясини таҳлил қилган. Миқозлар билан филиал ичидаги алоқа, филиалнинг рақамли трансформацияси, миқозларга йўналтирилган ташаббуслар ва филиал ходимларининг малакасини ошириш миқозларнинг рақамли банкингга тезкор ўтишини олдини олиш потенциалига эга эканлиги аниқланди. Уларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, ривожланаётган давлатларда рақамли банкларни амалиётда қабул қилинишини яхшилашнинг асосий аниқланган омили сифатида миқозларнинг рақамли банк фаолиятига ишончини қозониш учун банк тизимида интеграциялашган маданий ва ташкилий ўзгаришлар амалга оширишни келтиришади[1].


V.K. Meher ва бошқалар рақамли банкларнинг ўрта ва кичик бизнеснинг ривожланишига таъсирини кўп регрессияли модел (multiple regression model) орқали таҳлил қилишган. Таҳлил статистикаси сифатида 454 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг маълумотларидан фойдаланилган. Таҳлил натижаларига кўра кичик ва ўрта тадбиркорликнинг ривожланишига рақамли банк фаолиятидаги турли ижобий ҳолатлар, хусусан, тўловларни қабул қилиш ва амалга оширишдаги қулайликлар, бизнесни ривожлантиришда рақамли банкларнинг ёрдамлари, банк амалиёти учун вақтдан тежаш, нақд пул муомаласидан кўра нақдсиз тўловларнинг афзалликлари каби омиллар кучли таъсир кўрсатиши аниқланган[2].

Тадқиқот методологияси

Илмий тадқиқотни амалга оширишда индукция, дедукция, синтез каби усуллардан фойдаланилган. Ўзбекистон Республикасида масофавий банк хизматлари самарадорлигини таҳлил қилишда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2017-2021 йиллардаги статистик маълумотларидан фойдаланилган. Статистик маълумотлар 2017 йил нарх даражасига нисбатан реал кўрсаткичларга ўтказилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси

Аҳолига банк хизматларини кўрсатишни оммалаштиришда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ҳамда уларни масофавий банк хизматларига мослаштириш муҳим масалалардан биридир. Илмий тадқиқотимизда аҳолини масофавий банк хизматлари билан қамраб олиш даражаси ҳамда тўлов терминалларида тушган тушумга таъсир қилувчи омиллар таҳлил қилинган. Таҳлил 2017-2021 йиллардаги статистик маълумотлардан фойдаланилган. Шунингдек, кўрилатган маълумотлар 2017 йил январь ойидаги нархга нисбатан реалга ўтказилган.




1-расм. Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозлар (минг киши)¹

Охирги беш йилда аҳолининг банк масофавий хизматларидан фойдаланиш даражаси кескин ошиб бормоқда. Хусусан, 2017 йилда юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг 227,88 минг нафари банкнинг масофавий хизматларидан фойдаланган бўлса, 2021 йил охирига келиб ушбу кўрсаткич 968,58 минг нафарга етган. Яъни охирги беш йилда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг сони тўрт баробарга ошган.

Маълумки, банкнинг масофавий хизматлари фойдаланувчилари таркибида жисмоний

шахсларнинг улуши юқори ҳисобланади. Чунки, аксарият масофавий банк хизматлари айнан жисмоний шахсларнинг банк амалиётини осонлаштиришга қаратилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2017 йилда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар таркибида жисмоний шахслар 4225,36 минг кишини ташкил қилган бўлса, 2021 йилда эса, бу кўрсаткич 19234,80 нафарни ташкил этган. Жисмоний шахсларнинг масофавий банк хизматларидан фойдаланиш даражасининг ошган қисми асосан пандемия даврига тўғри келмоқда.



2-расм. Банк тизимида масофадан фойдаланувчи мижозлар салмоғининг ўзгариш динамикаси (минг киши)²

1 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

2 Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

Банк тизимида масофавий банк хизматларидан фойдаланувчи мижозларининг салмоғига назар солсак, унда жисмоний шахсларнинг улуши 90 фоиздан юқори бўлмоқда. Жумладан, 2017 йилда масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар таркибида юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар салмоғи 5 фоиз бўлган бўлса, 2019 йилдагина уларнинг салмоғи 8 фоизгача кўтарилган. Аммо кўрилаётган даврда уларнинг улуши кескин ўзгармаган.

Банк тизимида масофавий хизматлардан фойдаланувчилар сони кескин ошиб бориши ўрнатилган тўлов терминалларида тушаётган тушумни ҳам ошириши турган гап. Статистик маълумотларга қарасак, номинал кўрсаткичларда 2017 йилда тўлов терминалларида тушган тушум 52,97 трн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич 81,00 трн. сўмни ташкил этган. 2020 йилга нисбатан 2021 йилда тўлов терминалларида тушган тушум кескин ошиб, унинг миқдори 111,14 трн. сўмга етган.



3-расм. Ўрнатилган тўлов терминаллари орқали тушган тушумнинг ўзгариши

Кўрсаткичларни реал қийматда таҳлил қилганда вазият бир оз бошқарчароқ кўринмоқда. Хусусан, 2017 йилда тўлов терминаллари орқали тушган тушум 52,97 тлрн. сўмни ташкил қилган бўлса, 2020 йилда ушбу кўрсаткич атига 55,37 тлрн. сўмни ташкил этган. 2020 йилга нисбатан 2021 йилда тўлов терминалларида тушган тушум реал кўрсаткичларда ҳам кескин ошган ҳамда 69,06 тлрн. сўмни ташкил қилган.

Статистик маълумотлардан шуни кўришимиз мумкинки, 2017-2020

йилларда тўлов терминалларида тушган тушум номинал қийматда ошгани сезиларли бўлган бўлсада, аммо реал қийматда ўзгаришсиз қолган. Бунга 2017-2020 йиллардаги инфляция даражасининг икки рақам

билан ифодаланганлигини сабаб сифатида келтиришимиз мумкин.

Шунингдек, ушбу таҳлилдан хулоса қилишимиз мумкинки, айнан 2020-2021 йиллардаги пандемия ҳолати аҳолининг масофавий банк хизматларидан фойдаланишга мажбур қилган. Чунки, номинал ва реал кўрсаткичларда ҳам фақатгина 2021 йилда кескин ўсиш кузатилган.

Таҳлилимизнинг кейинги босқичида банклар томонидан ўрнатилган тўлов терминалларида тушган тушумга банк тизимидан фойдаланувчилар сонининг ҳамда муомаладаги пластик карточкаларнинг ўзгариш динамикаси қай даражада таъсири мавжудлигини текшираимиз.



4-расм. Ўрнатилган тўлов терминаллари орқали тушган тушумга таъсир қилувчи омиллар³

Таҳлил натижаларига кўра, банк тизимида жами масофадан фойдаланувчи мижозлари сони охириги беш йилда тўрт баробар ошган бўлсада, ўрнатилган тўлов терминалларида тушган тушум сезиларли ўзгармаган. Шунингдек, муомаладаги пластик карталар сонининг кескин ўзгариши ҳам ўрнатилган тўлов терминалларида тушган тушумга сезиларли таъсир кўрсатгани йўқ.



Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, банклар томонидан ўрнатилган тўлов терминалларида тушган тушумга банк тизимидан фойдаланувчилар сонининг ҳамда муомаладаги пластик карточкаларнинг ўзгариш динамикаси таъсири суст бўлган. Ушбу таҳлилдан кўринадикки, олдинги таҳлилимизда тўлов терминалларида тушган тушумга пандемиянинг таъсири юқорилиги ўз кучини сақлаб қолган.

Хулоса ва таклифлар

Банкнинг масофавий хизматлари фойдаланувчилари таркибида жисмоний шахсларнинг улуши юқори ҳисобланади. Аммо кўрилаётган даврда банкнинг жами масофадан фойдаланувчилар таркибида юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорлар улуши ўзгаришсиз қолган.

Шу билан бирга, хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, банклар томонидан ўрнатилган тўлов терминалларида тушган тушумга банк тизимидан фойдаланувчилар сонининг ҳамда муомаладаги пластик карточкаларнинг ўзгариш динамикаси таъсири суст бўлган.

Айнан 2020-2021 йиллардаги пандемия ҳолати аҳолининг масофавий банк хизматларидан фойдаланишга мажбур қилган. Чунки, номинал ва реал кўрсаткичларда ҳам фақатгина 2021 йилда кескин ўсиш кузатилган.

Шунингдек, Ўзбекистонда рақамли иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари сифатида ахборот-коммуникация технологияларини, шу жумладан миқозларни масофадан аниқлаш тизимларини жорий этиш орқали масофавий банк хизматларини ривожлантириш, ҳамда тижорат банклари томонидан миқозларга масофавий банк хизматлари (интернет-банкнинг, банк-миқоз, смс- банкнинг ва бошқалар), шу жумладан, мобил иловалар орқали хизмат кўрсатиш кўламини ва сифатини ошириш мақсадга мувофиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Kaur, S. J., Ali, L., Hassan, M. K., & Al-Emran, M. (2021). Adoption of digital banking channels in an emerging economy: exploring the role of in-branch efforts. *Journal of Financial Services Marketing*, 26(2), 107- 121.
2. Meher, B. K., Hawaldar, I. T., Mohapatra, L., Spulbar, C., Birau, R., & Rebegea, C. (2021). The impact of digital banking on the growth of Micro, Small and Medium Enterprises (MSMEs) in India: A case study. *Business: Theory and Practice*, 22(1), 18-28.
3. Revathi, P. (2019). Digital banking challenges and opportunities in India. *EPRA International Journal of Economic and Business Review*, 7(12), 20-23.



4. Wewege, L., Lee, J., & Thomsett, M. C. (2020). Disruptions and digital banking trends. *Journal of Applied Finance and Banking*, 10(6), 15-56.
5. "The Global Findex Database 2021."
<https://www.worldbank.org/en/publication/globalfindex>
6. Abdullayevich N. I. The Impact of Attracting Foreign Direct Investment on Economic Development //Science Promotion. – 2023. – T. 1. – №. 1. – С. 14-19.
7. Турсунова Н., Очилов Б. Вопросы повышения роли финансового рынка в деятельности корпоративных структур //Экономика И Образование. – 2020. – Т. 1. – №. 1. – С. 108-112.
8. Abdullaevich N. I. THE IMPORTANCE OF THE INVESTMENT CLIMATE IN THE INFLOW OF FOREIGN DIRECT INVESTMENT INTO THE COUNTRY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 16. – С. 260-266.
9. Khairullaevich I. T. PROBLEMS AND TASKS OF EDUCATION IN THE ECONOMIC SPHERE //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2023. – Т. 11. – №. 5. – С. 409-412.
10. Bakhtiyarovich, Ochilov Bobur. "PROSPECTS AND PRIORITIES OF FOREIGN INVESTMENT DEVELOPMENT IN THE NATIONAL ECONOMY." E Conference Zone. 2022.
11. Sugahara S., Ochilov B. The Experience of The Japanese State in Increasing Investment Activity in Uzbekistan //YASHIL IQTISODIYOT VA TARAQQIYOT. – 2023. – Т. 1. – №. 11-12.
12. Abdullayevich N. I. IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY INVESTITSİYALARNING O'RNI //TA'LIM VA INNOVATION TADQIQOTLAR. – 2022. – С. 95-96.
13. Bobirjon A., Bobur O. Investment Analysis and Risk Prevention Mechanisms //The Peerian Journal. – 2023. – Т. 25. – С. 31-40.
14. Abdullayevich N. I. O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MAXSUS IQTISODIY ZONALAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI VA ISTIQBOLLARI //" MOLIYA-IQTISOD". – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 72-76.
15. Ogli I. T. K. Introduction of Innovative Technologies in Commercial Banks in the Context of Increased Competition //Texas Journal of Multidisciplinary Studies. – 2023. – Т. 20. – С. 57-59.
16. Xayrulla o'g'li I. T. O 'ZBEKISTONDA "ELEKTRON HUKUMAT" TIZIMIDAN G'AZNACHILIKDA FOYDALANISH MUAMMOLARI //INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM. – 2023. – Т. 3. – №. 29. – С. 589-592.



17. Aktamov B. THE PRACTICE OF DIGITALIZATION OF EVALUATION ACTIVITIES AND THE PROSPECTS OF ITS APPLICATION IN UZBEKISTAN //American Journal of Business Management, Economics and Banking. - 2023. - T. 19. - C. 69-77.

18. Xayrulla o'g'li I. T. PARTISIPATOR BYUDJETLASHTIRISH FUQAROLARNING BYUDJET JARAYONIDAGI ISHTIROKINING SAMARALI MEXANIZMI SIFATIDA //SCIENTIFIC APPROACH TO THE MODERN EDUCATION SYSTEM. - 2023. - T. 2. - №. 15. - C. 228-229.

19. Aktamov B. THE PRACTICE OF DIGITALIZATION OF EVALUATION ACTIVITIES AND THE PROSPECTS OF ITS APPLICATION IN UZBEKISTAN //American Journal of Business Management, Economics and Banking. - 2023. - T. 19. - C. 69-77.

20. Xayrulla o'g'li I. T. MOLIYA BOZORINI TARTIBGA SOLISH BO 'YICHA JAHON TAJRIBASI //Finland International Scientific Journal of Education, Social Science & Humanities. - 2023. - T. 11. - №. 5. - C. 330-339.

21. Актамов Б. ВАХОЛАШ FAOLIYATINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISHNING MILLIY VA XORIJ AMALIYOTLARI XUSUSIYATLARI //Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences. - 2022. - T. 1. - №. 4. - C. 10-10.

22. Navruzov I. TO 'G 'RIDAN-TO 'G 'RI XORIJIY INVESTITSIYALARNING IQTISODIY MOHIYATI VA AHAMIYATI //Евразийский журнал академических исследований. - 2023. - T. 3. - №. 12 Part 2. - C. 138-144.